



A QUESTION OF CHARACTER IN THE MOVIE "DUEL UNDER THE PLANE TREE"

Mukhayo Mukhtarova

Doctoral student

Institute of Art studies Academy of sciences of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: cinematography, comedy, genre, director, actor, screenwriter, character, film, folklore tradition, national flavor, folk hero.

Received: 25.03.22

Accepted: 30.03.22

Published: 01.04.22

Abstract: This article analyzes the special characteristics of the film "Duel under the Plane Tree" by screenwriter Rikhsivoy Mukhammadjanov, which has a significant role in the development of the comedy genre in Uzbek cinema, and also examines the artistic and ideological features of the film, the achievements of its creative components and the significance in our modern cinema.

“ЧИНОР ТАГИДАГИ ДУЭЛ” ФИЛЬМИДА ХАРАКТЕР МАСАЛАСИ

Муҳайё Мухторова

Таянч докторант

ЎзРФА Санъатишунослик институти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кинематография, комедия, жанр, режиссёр, актёр, сценарист, характер, фильм, фольклор анъана, миллий колорит, халқона қаҳрамон.

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек кино санъатида комедия жанрининг ривожланишида ўз ўрнига эга бўлган сценарист Рихсивой Муҳаммаджоновнинг “Чинор тагидаги дуэл” фильмидаги ўзига хос характерлар таҳлил этилиб, фильмнинг бадиий ҳамда ғоявий хусусиятлари, ижодий компонентларнинг ютуқлари ҳамда бугунги кинематографиямизда тутган ўрни борасида муҳим фикрлар билдирилган.

ВОПРОС ХАРАКТЕРА В ФИЛЬМЕ “ДУЭЛЬ ПОД ЧИНАРОЙ”

Мухайё Мухтарова

Докторант

Института искусствознания Академия наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кинематограф, комедия, жанр, режиссер, актер, сценарист, персонаж, фильм, фольклорная традиция, национальный колорит, народный герой.

Аннотация: В данной статье анализируются особые характера фильма “Дуэль под чинарой” сценариста Риксивой Мухаммаджанова, имеющий значительную роль в развитии комедийного жанра в узбекском кинематографе, а также рассматриваются художественные и идейные особенности фильма, достижения его творческих компонентов и значение в нашем современном кинематографе.

КИРИШ

Ўзбек кинематографиясининг комедия жанрида ўзига хос “почерк”га эга бўлган сценаристлардан бири Риксивой Мухаммаджанов ижодида томошабинлар кўнгилдан жой олган кўплаб фильмлар мавжуд. Жумладан, “Чинор тагидаги дуэл”, “Суюнчи”, “Абдуллажон”, “Тангалик болалар” каби комедиялар йиллар давомида томошабинларга кадрдон фильмлар бўлиб келмоқда. Умрбоқий фильмлар суратга олиш учун аввало сценарий пишиқ ва пухта ёзилган бўлиши, шунингдек, “Адабий сценарий устида ишлаш жараёнида бўлажак фильмнинг жанрини аниқлаш шарт. Зеро, фильм композицияси, образлар талқини, фильм темпо-ритми, стилистикаси ҳамма ҳаммаси шунга боғлиқ. Режиссёр мушоҳадаларининг мазмуни, унинг сценарий устида муаллиф билан, ёки бир ўзи ишлашининг моҳияти – қаҳрамонлар характерлари, улар хатти-ҳаракатларининг сабаблари, диалоглар аниқлиги, лўндалиги каби аниқ натижаларни кўзлайди. Зеро, режиссёр келгусида фильмнинг бошқа таркибий жиҳатларини айнан шунга бўйсундиради”.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хусусан, Мелис Абзаловнинг “Чинор тагидаги дуэл” фильми шундай ҳамфикрлик билан ишланган самимий кулгу ва юморга бой характерлар умумлашмасидан иборат картиналар сирасига киради.

Фильм Нортой исмли ёш чўпон йигитнинг шаҳарга ўқишга кириш учун кетиши, бироқ имтиҳондан “йиқилгач”, туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келиши, аммо буни тенгдошлари орасида тан олишга уялиб, ҳаммани, ҳатто отасини ҳам “ўқишга кирганман” деб алдаб юриши, яхши кўрган қизига муҳаббати, отасини уйлантириш истаги, ферма мудирининг давлат

мулкини талон-тарож қилиш режасини рад этган отасининг ҳақорат қилиниши, Нортойнинг мудирни чинор тагига дуэлыга чақириши каби воқеалар атрофида кечади.

Бир қарашда фильм сюжети оддийгина бир йигит ҳаётини акс эттиргандек бўлади. Бироқ фильмдаги ҳар бир қаҳрамоннинг ўз “ҳақиқати”, ўз характери бор. Нортой нима сабабдан ўқишга кирдим деб алдайди? Ахир у ёмон йигит эмасди... Бироқ қишлоғида ҳар учраган инсон унга “Ўқишга кирдингми, ўқишга кирдингми?” каби саволларни беравериши уни ёлғонга мажбур қилади. Шу саволларсиз ҳам тушқунликка тушган, ўқишга кира олмаганлигидан виждони қийналаётган Нортойга дўстининг онаси (Амина Фаёзова) айтган “Билардим, қиролмаслигингни” деган гапи кучли зарба бўлади ва у ўзининг ўқишга “қирганлигини” исботлаб қўйгиси келади.

Нортойнинг биров чапани, шу билан бирга бутун қишлоғидаги одатий турмуш тарзига аллақачон кўникиб бўлган инсонларга қарши ўлароқ янгиликка интилувчан, қизиқувчан, қишлоғига ҳам ўша янгиликни тадбиқ этишни истаган ўсмир йигит характери фильм давомида очилиб боради.

Нортой характеридаги янгиликка интилувчанликни фильмнинг ҳар бир эпизодида учратиш мумкин. Жумладан, фильмда сомон ташиш баҳси. Нортой ўзини кўрсатиб қўйгиси келганлигидан оғир бўлишига қарамасдан 2 та боғ сомонни кўтариб кетади. Бироқ Парпининг 3 боғ сомонни кўтарганлигини кўриб кучи етмаса-да енгилгиси, яхши кўрган қизининг олдида изза бўлгиси келмайди. “Гап кучда эмас, гап ақлда” - деб ўзини оқлаб ҳам қўяди.

Рашид Маликовнинг текис қилиб ўстирилган сочлари, узун бўйи ва ўша вақтдаги озғин қиёфаси биров найнов, бошқалардан ажралиб турувчи, ўзгалар наздида ғалатиноқ бўлган Нортой қиёфасини тўлиқ акс эттиришга хизмат қилган. Рашид Маликов Нортой образини куюнчак, янгиликка интилувчан, қизиқувчан қиёфа билан бир вақтда, романтик ва комик характерда ижро этади. Зеро, Тиркаш буванинг “келнойингни мен эмас, аслида келнойинг мени олиб қочган” деган сўзларидан қаттиқ таъсирланиб, Ўғилойни олиб қочмоқчи бўлган эпизод бунга мисол бўла олади. “Қаҳрамон характерининг негизини ташкил этувчи содда муғомбирлик, беғараз айёрлик, ҳазил-мутуйиба, кулгига келганда барчадан ортда қолдириш сингари хислатлар ўзида ёрқин миллийликни акс эттирганди. Бир қарашда Нортой образи халқ оғзаки ижодиётидаги Афанди-ю, Шум болаларни эслатади”. Ва айнан шу характер билан томошабинга қадрли қаҳрамонга айланади.

Қишлоқ аҳолиси эса бир қолипда қотиб қолган, ривожланишларни тўғри қабул қилмайдиган халқ. Шу боисдан ҳам Нортойни “У жинни, ҳар бир қўйнинг кулоғига радио ўрнатиб чиқаяпти” каби гаплар билан қоралашга уринишади.

Фильм ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилинса, юқорида айтилганидек ўқишдан йиқилиб қайтган йигитгина эмас, балки янгиликларга эҳтиёжи балинд, қизиққон, турли мавжуд стереотипларни ёриб чиқишга интилувчан ёш йигитнинг муҳаббати учун курашини ҳам кўрамиз. Зеро, фонтанда чўмилиш, совчиликка одатларга зид ўлароқ ўзининг бориши, Ўғилойни ўғирлашга тараддуд кўриши-ю, отасини уйлантириб қўйиш истаги буларнинг акси.

Фильмда Нортоннинг қизиқувчан, янгиликка ташна, романтик характери ва қишлоқ аҳолисига сингиб кетган оддий, содда, барига бефарқ, боқибегам характерлари ўртасида конфликт кузатилади.

“Воқеалар ривожини бир қарашда ўтакетган муғомбир ва дангаса, енгилтак бўлиб туюлган Нортоннинг нечоғлик меҳрибон, ҳақиқатгўй мавриди келганда ноҳақлик ва нопокликка қарши беаёв кураша олиш қудратига эга шахс эканини кўрсатади”. Фильм якунида эса кўрамизки, у бир умр ҳалол меҳнат қилиб, тер тўкиб, фарзандларини ҳалол лўқма билан вояга етказган ёлғиз отасини асрашни, унга тиргак бўлишни жуда ҳам истаган меҳрибон фарзанд.

Фильм ҳар қандай шароитда ҳам ҳалоллик йўлидан оғмай яшаган чўпон ва Нортон сингари адолатли, ҳақиқатгўй, ўзгача дунёқарашдаги инсонлар матонати ҳақида.

Чўпон – Ҳамза Умаров ҳам ўз навбатида ўғлининг қарорини қўллаб қувватлайди. Ҳамза Умаровнинг бу образини бир олам орзу-ҳаваслар билан Нортоннинг ўқишга қиришини кутган меҳрибон, ғамхўр, жонкуяр ота характерига эга. “Студентлар шундай шляпа кияр эмуш”, деб Нортонга шляпа олиб келиб бериши, кейинроқ эса “студентлар шундай сумка тутар эмуш” деб сумка совға қилиши чўпоннинг меҳрибон ота характерини очиб берган бўлса, фильм якунида “Билардим қиролмаганлигинини” дейишидан англашиладики, у ўта сабрли ва матонатли. У фарзандини уришиб, алдаётганлигини юзига солиб, ҳақиқатни очиб ташласа бўларди. Аммо чўпон – Ҳамза Умаров бундай қилмайди. У фарзанди Нортонни ўз айбига иқдор бўлишини, ҳақиқат йўлига қайтишини, ёлғонни бўйнига олишини сабр билан кутади. Ҳамза Умаровнинг вазмин қиёфаси, ички хотиржамлиги, сўзлаш услуби, овоз техникаси, актёрлик маҳорати урушда бир оёғини йўқотган, урушдек даҳшат ичидан тирик қайтган, фарзандларини бир кўз билан вояга етказётган меҳрибон ота қиёфасини тўлиқ очиб беради.

Фильмда адолат ва ҳалоллик қўллаб эпизодларда тарғиб этилади. Зеро, чўпоннинг раиснинг таклифини рад этиши, Нортоннинг раис билан дуэлга чиқиши каби эпизодлар бунга мисол.

Шу билан бирга фильмда урушнинг асоратлари ҳам турли эпизодларда бериб кетилади. Хусусан, Хожимуроднинг урушдан чўлоқ бўлиб қайтганлиги, ўша мудҳиш

уруш сабабли ҳамон баъзи одамларга кулгу бўлаётганлиги, урушнинг яна кўплаб инсонлар тақдирига шундай мунгли таъсири, уруш тугаган бўлишига қарамасдан инсонларнинг характерлари ва қусурлари ўртасида ҳам конфликт кетаётганлиги ёритилади. Ўша раисга ўхшаган “ишбилармонлар” ва Хожимуродга ўхшаган ҳалол инсонларнинг муносабатларида буни кўриш мумкин.

Фильм ҳалоллик ва адолатлиликни, тўғри сўзликни, покликни енгил кулгу ва романтик ҳислар билан бирга тарғиб қилиш баробарида ўз даврида мавжуд бўлган айрим “ишбилармон” раисларнинг кирдикорлари-ю, “доҳиёна режалари”ни очишда, уларнинг бундай ишбилармонлиги қанчадан-қанча ҳалол инсонларнинг кўнглини синдириш билан бирга жамиятдаги ўрнини ҳам йўкотаётганлигини кўрсатиб ўтишда ойна вазифасини бажаради. Аслида энг катта фожеа ҳам айнан мана шунда! Кишиларда ўзаро ахиллик йўқлиги, фақатгина ўзини ўйлаш, бунинг учун эса қолганларнинг тинчлигини бемалол хатарга қўйишга тайёр Хожимурод каби инсонларнинг орамизда мавжудлигидир.

Фильмда ифода этилган баъзи комедик эпизодларда Рихсивой Муҳаммаджоновнинг ўз услубига эга бўлган чуқур мантиқий фикрларни бериб кетиш техникаси ҳам кузатилади. Бунга Нортойнинг журнални варақлаб ўтиргандаги эпизодда муқовадаги Софи Лоренга нисбатан Тиркаш буванинг “Ким бу?” деб берган саволига “Юрадиган қизим. Яхшими? Ҳар куни олиб кетгин деб хат ёзади менга. Таппиям қиламан, сигирам соғаман, сен билан бирга бўлсам бўлгани дейди”.

Тиркаш буванинг “Сен ҳам севасанми?” саволига “Унчалик эмас, лекин у жинни бўлиб қолай деяпти” - дейди. Тиркаш бува “Ҳа, шунақаси бўлади. Аёл кишини унчалик севмасанг, ула бизани шунчалик кўп севади” – дейди. Ёки Зокир (Жалол Юсупов)нинг “Сенга очигини айтсам, ҳозир қизлар сенга ўхшаган ўқимаганларни севиб қолишяпти. Ромео ва Жульеттани кўрганмисан? Жульетта Ромеони севадими? Севеди! Ромео мактабгайм бормайди. Бир марта ҳам дарс қилиб ўтирганини кўрмадим. Жульетта шунақа йигитни яхши кўради. Яхши кўрганидан заҳар ичиб ўлади. Билдинг!” каби муаллифгагина хос бўлган пурмаъно фикрлар комик шаклда қаҳрамонлар тилидан бериб кетилади.

Шунингдек, Рихсивой Муҳаммаджоновнинг аксарият фильмларида ўзига хос бўлган содда, қишлоқ одамлари қаҳрамон бўлса, шу қаҳрамонларга паралел равишда кичкина ёшли бироқ маҳмадона, зумраша характердаги қаҳрамон ҳам киритилади. Зеро, “Чинор тагидаги дуэл”даги Зокир, “Абдуллажон”даги Абдуллажон, “Чол ва набира”даги Ғанишер кабилар айнан шундай комик характерли образлар.

Фильм сурагга олинганига 46 йил бўлишига қарамасдан бугунги кунга қадар томошабинлар эътиборидан тушмай келишида драматургнинг маҳорати билан бирга актёрлар ансамблини ҳам эътироф этиш лозим. Зеро, Аида Юнусова (шифокор), Обид Юнусов (Абдулла раис), Клара Жалилова (раиснинг хотини), Хусан Шарипов (Ўғилойни отаси), Ўктам Лукмонова (Ўғилойни онаси), Феруза Орифхонова (Ўғилой), Ғани Аъзамов ва Сойиб Хўжаев (чайхонадаги чоллар), Асанкул Қуттубоев (Тиркаш бува), Воҳид Қодиров (милиционер), Манзура Раҳимхўжаева (Ўғилойни дугонаси), Ойбек Назруллаев, Садиҳон Табибуллаев каби кўплаб маҳоратли актёрлар фильмда ўзига хос бўлган характерли ролларни маҳорат билан ижро этишган. Х.Олимжон шеъри асосида бастакор Е.Ширяев басталаган “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” деб бошланувчи ўша машҳур қўшиқ эса сал кам ярим асрдан буён томошабинлар ва хонандалар томонидан такрор ва такрор ижро этилмоқда.

ХУЛОСА

Албатта, комедияда кулги шунчаки кўнгилочар восита бўлиб қолиши керак эмас. Балки маълум ғояга хизмат қилиши, бошқа жанрларда айтиб бўлмас нозиклик билан фикрни томошабинга етказиши лозим. “Аслида ҳам кинокомедия жанри ҳамиша оммабоп бўлган. Бундай фильмларга қизиқиш доимо баланд. Шундай бўлса-да, комедия фильм яратиб, муваффақият қозониш осон иш эмас. Комедия фильм яратиш ижодкорлардан снайперларга хос аниқликни, техникадан ниҳоятда усталик билан фойдалана билишни, воқеликни таъсирчан ифодалаш маҳоратини талаб қилади”. Ушбу фильмнинг замирида ҳам эътибор берилса, мана шу вазифа удалангани билан у ҳамон севимли.

Рихсивой Муҳаммаджоновнинг қаҳрамонлари шундай оддий қишлоқ кишилари бўлишига қарамасдан инсоний фазилатларга бойлиги, мағрур ва халоллиги, шу билан паралел равишда комик, қитмир характерга эгаллиги билан йиллар давомида томошабинлар қалбида яшаб келмоқда. Зеро, муаллиф учун бундан юксак муқофот йўқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абикеева Г. Кино Центральной Азии. – Алма Ата.: ВГИК им. С.А. Герасимова. 2001. - 215 стр.
2. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009. - 98 б.
3. Аннотированный каталог художественного кино Узбекистана (1925-2008)- Т.: 2009. 240 стр.
4. Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. – Ташкент.: Издательство журнала “San’at”. 215 стр.

5. Каримова Н. 1960-1990 йиллар ўзбек бадиий киносида ёш қаҳрамон образи (номзодлик диссертацияси) - Т.: 1997 й. 81-бет. (134-бет.)
6. Якубов Б. Кино назарияси // “Fan” нашриёти. Т.: 2022 йил. 46 бет.
7. Ўзбекистон санъати // “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2001.
8. Каримова Н. Ўзбек миллий киносининг янги уфқлари // San’at. 2016. 2-сон.
9. Мачерет А. Вопросы жанра // Искусство кино. 1954. №11.
10. Тешабоев Ж. Интилганга толъе ёр // San’at. 2014. №4.